

та меҳнат имкониятлари кенг очилиб, тобора фаоллик кўрсатиб, янгидан – янги ташаббуслар билан чиқишида сифат жиҳатдан янги босқични бошлаб берди, десак, асло муболағат бўлмайди.

Томорқа ер эгаллиги мамлакатимизда ўзининг чуқур тарихий илдизларига эга. Ер-сувга яқинроқ бўлиш, ўз уйи ёнида томорқа хўжалигига эга бўлиш неча асрлар давомида ўзбекларнинг ўзига хос турмуш кечириш ва тафаккур тарзи ҳисобланади.

Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришганидан кейинги ўтган ниҳоятда қисқа давр мобайнида мамлакатимизда фермер, деҳқон хўжаликлари билан бирга томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг зарурий шарт-шароитларини янада кенгайтириш соҳасида тизимли ва аниқ мақсадга қаратилган чора – тадбирлар ишлаб чиқилиб, улар ҳаётга босқичма-босқич жорий қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 9 декабрь қишлоқ хўжалиги ходимлари куни муносабати билан Халқаро симпозиум саройида ўтказилган тантанали маросимдаги нутқида қишлоқ хўжалигини эртанги кун талаблари асосида комплекс ривожлантириш соҳасидаги эришилган илғор тажрибалар, ечимини кутиб турган муаммолар ва уларни ҳал қилишнинг оптимал йўллари кўрсатиб берилди.

2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш доирасида белгиланган вазифаларни рўйга чиқаришда томорқа ер эгаларининг ролини эътиборга олишга алоҳида банд ажратилган.

Томорқа ер эгаллиги деганда оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида мерос қилиб қолдирилган умрбод эгалик қилиш учун берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирадиган ва уни ўз хохиши билан реализация қиладиган жисмоний шахсни тушунамиз.

Сўнгги йилларда фермер ва деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди, 2017 йил 9 ва 10 октябрь кунлари Президентимизнинг

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, экин майдонларидан самарали фойдаланишда уларнинг фаолиятини янада ривожлантириш тўғрисидаги Фармони, “Илғор фермер”, “Меҳнаткаш деҳқон” ва “Намунали томорқачи” кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Мамлакатимизда фермер, деҳқон ва томорқа ер эгалари Республика кенгаши фаолият кўрсатмоқда. Сўнгги йилларда республикамиз бўйича 445 минг гектар энг унумдор ер қишлоқ аҳолисига томорқа сифагида ажратилди. Шахсий томорқа қишлоқ аҳолисининг бандлигини таъминлашга кўмаклашади, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликнинг ривожланишига ҳамда аҳолининг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини юксалтиришга олиб келади.

Томорқа ер эгаллиги нафақат ишлаб чиқариш ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб қолмасдан, ғоят катта ижтимоий - маънавий аҳамият касб этиб бормоқда. У қишлоқ аҳолисининг маънавий олами ўзгаришига, мулкка бўлган муносабати, онгу тафаккурининг ўзгаришига олиб келмоқда. Сўнгги йилларда одамларнинг қишлоқдаги ўзгаришларга ишончи ортиб, ижтимоий-сиёсий фаоллиги тобора ошиб бормоқда. Томорқа ер эгалари ўз оиласи ва фарзандларининг фаровон ҳаёт кечириши билан чегараланмасдан, эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишда, хайр – эҳсон ва меҳр - саховат ишларида ҳам фаол иштирок этади. Томорқа хўжалигининг афзаллиги шундаки, унда аёллар ва болалар ҳам қатнашади. Томорқа ер эгалари давлатдан ташқари мактабгача таълим муассасалари истеъдодли ўқувчилар, “Меҳрибонлик”, “Мурувват” ва “Саховат” уйларидаги тарбияланувчилар ва ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаб, Тошкент, Самарканд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз каби шаҳарларга туристик саёҳатларни ташкил қилишда қатнашади.

Ўзбекистон фермер, деҳқон ва томорқа ер эгалари Республика кенгаши қишлоқ хўжалиги экинларидан самарали фойдаланишга ўз ҳиссасини қўшаётган томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаб рағбатлантириб туриши, авваламбор, чекка ва олис қишлоқларда истиқомат қилувчи ёш оилаларга

ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛИГИНИНГ ИЖТИМОЙ-
МАЪНАВИЙ МУҲИТНИ ЎЗГАРТИРИШДАГИ
АҲАМИЯТИ

Д.Рўзибоев – магистрант, ҚарДУ

Мустақиллик шарофати билан хусусий мулкка устувор-
лик берилган Ўзбекистон иктисодиётининг хилма-хил мулк
шакллари асосида ривожланиши қишлоқ хўжалиги соҳасида
банд бўлган меҳнатчиларнинг ўз салоҳиятини эркин намоён
этиши, истеъдод ва қобилиятини тўла ишга солиши, ижодий

имтиёзли кредитлар асосида томорқа ер ажратишни эсдан
чиқармаслиги лозим. Давлатимиз раҳбари 2018 йилда куни
Самарқанд вилоятига таърифи чоғи Иштихон туманида
томорқа ер эгаси билан учрашганида шахсий томорқани
қўллаб-қувватлаш бўйича республика акциядорлик жамиятини
ташқил қилиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлаган эди.

Мамлакатимизда томорқа ер эгалигининг маънавий
жихатини ривожлантириш билан танилган томорқа ер эгалари
хақидаги мақолаларни оммавий ахборот воситаларида чоп этиб
бориш мунтазам фаолиятга айланиши лозим. “Обод қишлоқ”
миллий дастури асосида “Томорқа-қўшимча даромад манбаи”,
“Намунали томорқачи” ва “Менинг боғим” каби мавзуларда
телекўрсатувлар ташқил этилиши даркор.

Сўнги йилларда мамлакатимизда томорқа ер эгалигини
ривожлантиришдаги ўзгаришлар билан бирга ҳали унинг
имкониятларидан эртанги кун талаблари асосида самарали ва
оптимал фойдаланишда ечимини кутиб турган муаммолар
мавжудлигини ҳам назарда тутишимиз даркор.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, томорқа ер эгалигининг
иқтисодий ҳаётдаги афзалликлари билан бир қаторда аҳоли
туртасидаги ижтимоий-маданий муҳитни ўзгартиришдаги
аҳамиятини ҳам алоҳида таъкидлаш лозимдир.